

“Мамлакат ички бозорларини сифатсиз ва хавfli импорт махсулотлардан химоя қилиш-Европа тажрибаси”



Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, мамлакат аҳолисини сифатсиз импорт махсулотлардан химоя қилиш хар бир мамлакатнинг ўз олдига қўйган асосий вазифаси ҳисобланади. Европа давлатлари ўз ички бозорларини сифатсиз ва хавfli импорт махсулотлардан химоя қилишни 1979 йилдан тизимли равишда йўлга қўйган.



Европада 1979 йилдан бошлаб, аҳолини хавfli озиқ-овқат ва озуқа махсулотларидан химоя қилиш учун Тезкор огоҳлантириш тизими (RASFF) ташкил этилди.



RASFF тизими 2002 йил 28 январдан бошлаб, Европа парламенти

ва Кенгашининг 178/2002 регламенти 50-моддасига мувофиқ тасдиқланди. Ушбу регламент озиқ-овқат тўғрисидаги қонун ва озиқ-овқат хавфсизлиги тартиб-қоидаларининг умумий принциплари ва талабларини белгилайди.

RASFF тизимига аъзо барча давлатларда алоқа пунктлари ташкил этилган, улар ўртасида хавfli озиқ-овқат ёки озуқа махсулотлари тўғрисида маълумотлар алмашилади. Инсон саломатлигига жиддий хавф солувчи озиқ-овқат ёки озуқа махсулоти аниқланган тақдирда, у RASFF тизими орқали дарҳол Европа Комиссиясини хабардор қилиши керак. Комиссия барча кирувчи хабарларни баҳолайди ва уларни RASFF тизимига аъзо давлатларга билдиришномалар бўйича чоралар кўриш ва қабул қилинган чоралар тўғрисида дарҳол хабардор қилиш учун юборади. ЕИнинг қуйидаги расмий сайти орқали RASFF тизимининг 2018 йилдаги ҳисоботи (инглиз тилида) хавола этилди.

https://ec.europa.eu/food/sites/food/files/safety/docs/rasff_annual_report_2018.pdf



Шу билан бирга, Европа ички бозорларини сифатсиз ва хавфли истеъмол товарларидан химоя қилиш мақсадида Тезкор ахборот алмашиш (RAPEX) тизимини жорий қилинган. RAPEX тизими Европа Иттифоқи давлатларида 2005 йилнинг 1 январидан жорий этилган. Ушбу тизим Европа парламенти ва Кенгашининг 2001/95/ЕС регламенти талаблари асосида иш олиб боради.

Сўнги йилларда Европада RAPEX тизими орқали импорт хисобланган 28% болалар ўйинчоқлари, 23% кийим-кечак, тўқимачилик ва безаклар, 9% электр жиҳозлари, 8% автомобиллар, 3% болалар учун буюмлар, 3% ёритиш мосламалари сифатсизлиги ва 7% эса умуман маркировкага эга эмаслиги аниқланган.



Юқоридаги маълумотлардан кўриш мумкинки, Европа Иттифоқида импорт қилинмоқчи бўлган маҳсулотлар сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовлардан ўтказилади, шундан сўнг истеъмол ва фойдаланиш учун киритилади. Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг қуйидаги расмий сайти орқали ЕИнинг ҳар бир давлат бўйича 2018 йилдаги RAPEX тизимининг орқали аниқланган маълумотлар (инглиз тилида) ҳавола этилди.

https://ec.europa.eu/consumers/consumers_safety/safety_products/rapex/alerts/repository/content/pages/rapex/reports/docs/RAPEX.2018